# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2022 йил 25 октябрь, № 230 (8292) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари, саноат ва савдо вазири, қўшма Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Комиссия фаолиятининг асосий натижалари, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноатда, ёқилғи-энергетика мажмуида, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхоналари ўртасидаги амалий шерикликни кенгайтириш бўйича икки томонлама дастурни тайёрлашга келишиб олинди.

Қўшма Лойиҳа офисининг самарали фаолиятини давом эттириш, бизнес ташаббуслари ва ҳудудлараро алмашинув лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ИШЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича йиғилиш ўтказди.**

Маълумки, жорий йил 23 сентябрда бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган. Ҳар бир вилоят, туман ва йўналишлар кесимида алоҳида режа-жадваллар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, манбалари белгиланган.

Йиғилишда энергетика вазири ва вилоят ҳокимлари бу борада бажарилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, аҳолини, аввало, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун тўртинчи чоракда 21 миллиард киловатт-соат, келгуси йил бошида қарийб 22 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳолига 10 миллиард куб метр табиий газ етказиб берилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу жараёнда исрофга йўл қўймаслик учун газ қудуқларидан истеъмолчигача бўлган тизимни тўлиқ рақамлаштириш бўйича кўрсатма берди.

Табиий газ тармоғидан узоқдаги қишлоқ ва овуллар, ижтимоий объектларга суюлтирилган газ ва кўмир етказиб берилади. Президентимиз қайси ҳудудга яна қўшимча захира керак бўлса, таъминлаб берилишини таъкидлади.

— Барча тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари бу масалада масъулиятини икки карра ошириб, аҳолини рози қилиши, ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмасдан, тезкор ҳал этиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Энергетика вазирлигига аҳолининг энергия манбалари билан таъминланганлик ҳолатини реал вақт тартибида мунтазам назорат қилиб бориш топширилди. Юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда “колл-марказ”лар ва ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолияти муҳим экани қайд этилди.

Энергия манбаларини иқтисод қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган муаммолар минтақамизга ҳам таъсир кўрсатаётгани, бундай вазиятда тежамкорлик долзарб экани айтиб ўтилди. Шу боис барча муассасаларда энергия тежовчи технологиялар ўрнатиш, одамларнинг бу борада дахлдорлигини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Кредитлар эвазига ишга туширилган лойиҳаларни тўлиқ қувватга олиб чиқиб, уларнинг муддати ўтган қарздорлигини камайтиришга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сизларни 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сизларни ўз ҳаётини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишга бағишлаган, муқаддас қасамёдига содиқ инсонлар деб билади ва машаққатли хизматингизни муносиб эътироф этади.

Янги Ўзбекистонда **“Инсон қадри учун”** деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислоҳотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Бу борада барча ҳудудларимизда хавфсиз шароит яратиш, тинчлик ва осойишталикка қарши таҳдидларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси** ҳамда **2022 — 2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси** изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжатларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизмлари ва вазифалари белгилаб берилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган замонавий иш услублари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабабларини бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларни маҳаллабай ва соҳабай муҳокама қилиш тизими жорий қилинди. Жиноятлар нисбатан кўп содир этилган маҳаллаларда ташкил этилган ҳуқуқ-тартибот масканларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг биргаликдаги фаолияти йўлга қўйилди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб этиш ҳамда турли салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида мактабларда 2 мингдан ортиқ инспектор-психолог лавозимлари жорий этилди ва бу ўзининг дастлабки ижобий самараларини бермоқда.

Профилактика инспекторининг маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликдаги фаолиятининг йўлга қўйилгани кўплаб ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш ҳамда хотин-қизларни зўравонлик ва турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш учун шароит яратмоқда.

Ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти, қадр-қиммати ва мол-мулкини кибермаконда ишончли ҳимоя қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида самарали методикалар ишлаб чиқилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилдан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича барча ариза ва хабарларни автоматлаштирилган тарзда қайд этувчи “102” тизими жорий қилинди. Вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятини яратди.

Ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори ички ишлар органлари фаолиятини либераллаштириш, соҳада очиқлик ва ошкоралик муҳитини кучайтириш, инсонпарвар ва халқчил тизимга айлантириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали фуқаронинг шахсини аниқлаш учун уни ички ишлар органларига олиб келиш амалиётидан воз кечиб, электрон қурилма ёрдамида аниқлаш тизимини жорий этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили қабул қилинган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”нинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида соҳа ходимларида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, муомала маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар аҳоли билан ишлаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Тизимда эришилган ютуқларнинг ёрқин намунаси сифатида маънавий-маърифий тарғибот йўналиши бўйича “Энг намунали вазирлик ва идора” танловида Ички ишлар вазирлиги жамоаси 2021 йилда иккинчи ўринни, жорий йилда эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ҳурматли соҳа вакиллари!

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, соҳада коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Бугунги кунда мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, кейинги йилларда орттирган тажрибамиздан, илғор хорижий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада мамлакатимизда **“Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар”** деган қоидани ҳаётга татбиқ этишда аввало халққа энг яқин касб эгалари сифатида ички ишлар ходимларининг ўзлари барчага ўрнак ва намуна бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

Тизимга замонавий технологиялар ва иш услубларни жорий этиш, профессионал етук кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим.

Ички ишлар тизимидаги ислоҳотларимизнинг амалий натижасини соҳанинг ҳар бир ходими, биринчи навбатда, халқимиз ўзининг кундалик ҳаётида сезиши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз ва халқимизга садоқатингиз учун барча юртдошларимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга файзу барака, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Мардлик» ордени билан

**Собиров Азизбек Улуғбекович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Ахмедова Асия Мустафаевна** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги терговбошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

**(Давоми 2-бетда).**

Акс садо

## ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

*Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи дунёга янги нигоҳ билан қарамоқда. Айниқса, қўшни мамлакатлар билан муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро савдо-сотиқ алоқалари учун кенг имкониятлар очилаётир.*



Шу ўринда Туркманистон билан мавжуд муносабатларга тўхталиб ўтсак. Ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб, бир-бирига таянч бўлиб келган. Халқларимиз ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси сифатида ҳар икки мамлакатда боғлар, сайилгоҳлар, кўчалар барпо этилган.

Бугун Ўзбекистонда 200 минг атрофида туркманлар истиқомат қилади, 8 мингдан зиёд болалар 45 та мактабда туркман тили фани бўйича ўқитилади, 21 та мактабда ўқиш туркман тилида олиб борилади. Республика туркман маданият маркази томонидан мувофиқлаштириладиган 6 та туркман маданий маркази ҳудудларда ишлаб турибди. Туркманистонда эса 500 мингдан ортиқ ўзбеклар яшайди.

➡ 2

## БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар ва ўзаро ишонч кейинги йилларда мустаҳкамланиб бормоқда. Буни Россиянинг муҳим ҳудудий субъектларидан бири — Татаристон Президентининг 2017 йилдан бери Ўзбекистонга беш маротаба ташрифи, биргаликда қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани, фан, таълим, саноат, илғор технологиялар соҳасида йўлга қўйилган алоқалар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Биз ва жаҳон

Шу йил 11 октябрь куни Ўзбекистон ва Татаристон раҳбарларининг учрашувида ҳам амалий шерикликни кенгайтириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида қўшма инновацион лойиҳаларни илгари суриш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Етакчи корхона ва компаниялар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг илк натижалари кишини қувонтиради. Бир мисол, Тошкент вилоятидаги “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки доирасида кооперация кўлами кенгайиб бормоқда, 16 та инвестиция лойиҳаси тайёрланиб, амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган “Йўл харитаси”га мувофиқ, машинасозлик тармоғида, янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида, кичик тоннажли кимё ва нефтни қайта ишлаш, аграр саноат, IT соҳаларида кооперацияни кучайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари порлоқ. Шунингдек, таълимга оид, техник ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги дастурлар диққатга сазовор.

Татаристон Президенти Рустам Минниханов Жиззах шаҳрида Қозон федерал университетининг филиали очилиши маросимида иштирок этди. Сўнгги йилларда олий таълим соҳасидаги Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги бугунги кунга келиб янги босқичга кўтарилган. Ушбу самарали ҳамкорлик натижаси ўлароқ, жорий ўқув йилидан Қозон федерал университети Жиззах филиали ҳисобига Ўзбекистонда яна битта Россия олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, икки давлат олий таълим тизимлари муваффақиятли интеграциясининг ёрқин маҳсулидир.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Бекмурзаев Азамат Ережепбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Нукус аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Арипов Қурбонали Абдурахимович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Сидиқов Дилшод Ғайратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти отряд кичик мутахассиси

**Собитов Жобирхон Содиқхонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Саидов Одилбек Кудратович** — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Сиражова Махфуза Эшмурзаевна** — Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори

**Умаров Аслитдин Мухтарович** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати сафдор ходими

**Умедов Мехриддин Хамидович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

**Хайитбоев Хамидулло Мирабдулло ўғли** — Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Хомидов Юрсунали Шокирович** — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

### «Шуҳрат» медали билан

**Душамов Дилшод Кузибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Қаландаров Баходир Сапаевич** — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Норматов Тўланбой Абдуназарович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Талбабаева Наргиза Абдурасуловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти инспектори

**Фаттуллаев Бобир Нематович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Худойқулов Алишер Абдумажидович** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани ички ишлар бўлими 2-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

**Эгамбердиев Фозил Сафарбоевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Юсупов Қаҳрамон Юлдашбоевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 24 октябрь

# БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

1

Умуман, Россиянинг етакчи, шу жумладан, ҳудудий олий таълим даргоҳларининг Ўзбекистонда фаолияти янада кенгайиши эътиборга молик. Бу борадаги муваффақиятли ишларга Қозон федерал университети ва Астрахань давлат техника университети билан шерикликни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу, шунингдек, илмий ҳамкорлик ва биргаликдаги амалий тадқиқотларни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Қозон федерал университети айни пайтда Ўзбекистоннинг 32 та етакчи университети билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар ўртасида академик ҳамда талабалар алмашуви, ўқитувчиларни маърузалар ўқишга таклиф қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, магистрантлар, докторантлар, тадқиқотчилар учун қисқа муддатли илмий амалиётлар бўйича ишлар фаол ривожланаётир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Россиянинг ҳудудлари билан кенг алоқаларни йўлга қўйган. 2018 йилдан бошлаб икки марта Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди. Ҳеч шубҳасиз, форумнинг муваффақиятли фаолияти кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришган улкан натижаларимиз ва юксак марраларнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ҳудудлари Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Олтой ўлкаси, Астрахань, Новосибирск, Омск, Самара, Челябинск вилоятлари ва кўплаб бошқа субъектлари билан жадал ҳамкорлик қилаётир. Биргаликда олиб борилаётган ишлар туфайли ҳатто пандемия шароитида ҳам ўзаро товар айирбошлашнинг ўсишига эришилди, унинг ҳажми эса жорий йилда олти миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Охирги икки йилда Санкт-Петербург, Самара ва Қозонда Ўзбекистон ҳудудларининг кўргазмалари муваффақиятли ўтказилди. Бугун мамлакатларимизда уч мингга яқин қўшма корхоналар фаолият юритмоқда, иқтисодиётнинг барча соҳасида юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Икки мамлакат манфаатлари учун янги истиқболлар очадиган йўналишларни алоҳида қайд этиш жоиз. Энг аввало, металлургия, энергетика, нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги саноат кооперациясини қайд этиш лозим. Ҳудудларимиз бир-бирини самарали тўлдириб туриши мумкин бўлган соҳа — қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик бўйича улкан имкониятларга эга. Ўзбекистон ва Россияда йирик агросаноат компаниялари ва кластерлари, омборхона терминаллари ва қайта ишлаш қувватларини яратиш шулар жумласидан. Бундан ташқари, томонлар янги агротехнологияларни кенг жорий этиш, селекция соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Инновациялар, IT, билим ва саноат технологиялари билан алмашиш йўналишлари, айниқса, истиқболлидир. Хусусан, "Иннопром" халқаро кўргазмаси эндиликда ҳар йили янги минтақавий форматда Ўзбекистонда ўтказилади.

> Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Президенти ва Татаристон раҳбари бир неча учрашув ўтказди, уларда иқтисодий ва ижтимоий масалалар ҳал этилди. Ушбу мулоқотда таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Сўнгги 5 йил ичида биз нафақат гуманитар соҳа ва ички давлатлараро алоқада, балки Россия ва Ўзбекистоннинг таълим сиёсатида ҳам муҳим ўзгаришларни ҳис қилмоқдамиз. Олий даражадаги ўзаро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш лозим — бу ҳукуматлараро муносабатлар, тадбирлар ва форумлар ўтказишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси нафақат туртки беради, балки ҳар икки давлатдаги тўғридан-тўғри алоқаларга ўтадиган бутун таълим муассасалари тармоғининг ўсишига имкон яратади.

Ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқалар маданий-гуманитар алмашинув ва туризм кенгайишига ҳам хизмат қилади. Ҳудудларда мамлакатларимиз вакиллари иштирокида ёшлар фестиваллари, концертлар мунтазам ўтказилишини, театрларнинг ижодий сафарлари ва спорт тадбирлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Умуман, биз стратегик шеригимиз ва иттифоқдошимиз — Ўзбекистон билан барқарор ва ишончли муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистон ва Россия ҳудудлараро ришталарга муҳим аҳамият қаратмоқда. Кейинги пайтда бундай алоқалар янада фаоллашди. Натижада маҳсулот етказиб бериш учун янги бозорларга йўл очилди, иш ўринлари яратилди, аҳоли учун қўшимча даромад манбаи пайдо бўлди. Зеро, ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини айнан ҳудудлар раҳбарлари ва тадбиркорлар белгилайди.

Татаристон Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётган Россиядаги ишончли субъектлардан. Россиянинг "КамАЗ" компанияси Ўзбекистонга автобус ва электробуслар етказиб беришни режалаштирмоқда. Ўзбекистонда "КамАЗ" автомаркази, йиғув линияси очилган. Ва албатта, "КамАЗ" компаниясида Москвадаги каби, у ерда электробусларнинг 80 фоизи "КамАЗ"да ишлаб чиқарилган, автобус ва электробуслар етказиб бериш истаги бор. Маълумки, электробуслар юриш масофаси оширилган — 80 км, тўлиқ электр иситкич билан жиҳозланган, у атмосферага зарарли моддаларни чиқармайди.

Татаристонда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга "ЕлАЗ", "ТЭМПО", "КМПО", "КЭР-Холдинг", "Татхимфармпрепараты", "Ремдизель", "ПОЗиС" ва бошқалар ҳам қизиқиш билдирмоқда. 2019 йилда Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида Ўзбекистоннинг бош консуллиги очилди. Россиянинг ушбу ҳудуди билан ўзаро савдо ҳажми ортаётир. Машинасозлик, нефть-газ, кимё ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, товар айирбошлашни кўпайтириш, кооперацияни кучайтириш, қишлоқ хўжалиги, электротехника ва фармацевтика тармоқлари, ахборот технологиялари, уй-жой коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалий лойиҳаларни илгари суриш муҳим.

2018 йилда икки томон ўртасидаги товар айланмаси 146 миллион долларни ташкил қилди. Ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган 2014 йилдан буён ушбу кўрсаткич 57 фоизга ошган. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида эса товар айланмаси 141 млн. долларга етди.



2022 йилда Татаристон ва Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлади. Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Президенти ва Татаристон раҳбари бир неча учрашув ўтказди, уларда иқтисодий ва ижтимоий масалалар ҳал этилди. Ушбу мулоқотда таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Сўнгги 5 йил ичида биз нафақат гуманитар соҳа ва ички давлатлараро алоқада, балки Россия ва Ўзбекистоннинг таълим сиёсатида ҳам муҳим ўзгаришларни ҳис қилмоқдамиз. Олий даражадаги ўзаро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш лозим — бу ҳукуматлараро муносабатлар, тадбирлар ва форумлар ўтказишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси нафақат туртки беради, балки ҳар икки давлатдаги тўғридан-тўғри алоқаларга ўтадиган бутун таълим муассасалари тармоғининг ўсишига имкон яратади.

Қозон университетини халқаро деб ҳисоблаш мумкин, чунки 55 минг талаба орасида деярли 11 минг нафари 100 дан ортиқ мамлакатлардан келган хорижликлардир. Кўпчилигини, яъни чорак қисмини ўзбекистонлик талабалар ташкил этади. Охирги уч йилда ўзбекистонлик талабалар контингенти йилига 2500 — 2800 нафарни ташкил этди. Бу Ўзбекистонга университетдаги талабалар сони бўйича Туркманистон, Эрон ва Хитойдан кейин 4-ўринни эгаллаш имконини беради.

Ўзбекистонликларнинг турли мутахассисликларга бўлган қизиқиши бир текис тақсимланган — муҳандисликдан тортиб, гуманитар таълимгача. Қозон университети билан Ўзбекистондаги қатор таълим муассасалари ўртасида турли форматларда 40 га яқин дастурлар амалга оширилмоқда. Бу билан Татаристон ва Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасида узоқ муддатли яқин муносабатлар ўрнатилган, дейиш мумкин.

Мухтасар айтганда, ўзбек ва татар халқларининг тарихи, урф-одат ва анъаналари муштарак. Халқларимизнинг дўстона ҳаёти, биродарчилик тутумлари асосидаги турмуш тарзи ҳавас қиларлидир. Бугунги кунда Татаристонда 9 мингдан зиёд ўзбекистонликлар ва талабалар яшамоқда. Татаристон Республикаси ўзбек халқи билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзбек муҳожирларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яқиндан ҳамкорликка тайёр. Айни пайтда Ўзбекистонда 300 мингдан ортиқ татарлар бошқа миллат вакиллари каби тинч-тотув ҳаёт кечираётгани, уларнинг тили ва маданиятини сақлаб қолиш учун барча шароит яратилганлиги эътиборга моликдир.

**Наиля БАГАУТДИНОВА,**
**Қозон федерал университетининг Бошқарув, иқтисодиёт ва молия институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Фикр

# ЎЗАРО ҲУРМАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

*Туркманистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ушбу мамлакат билан муносабатларимиз чуқур тарихий илдизларга, миллий анъаналар, дин, тил ва маданият муштараклиги ҳамда яқинлигига асосланади.*



Таъкидлаш жоизки, икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатлар дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида фаол ривожланмоқда. Шунинг баробарида, ўзаро савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, ўтган йилда Ўзбекистон ҳамда Туркманистон ўртасидаги ташқи савдо ҳажми 784,1 миллион долларни ташкил этди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20-21 октябрь кунлари Туркманистонга ташрифи ҳамда Президент Сердар Бердимуҳамедов билан олиб борган музокаралари чоғида икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди, жумладан, Марказий Осиёда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида диққат қаратилди.

Иқтисодиёт икки томонлама муносабатларнинг етакчи кучи сифатида роль ўйнаётгани, мамлакатларимизнинг улкан салоҳиятини ишга солиш учун кўпроқ ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда ўзаро савдо жадал суръатда ошиб бормоқда. Саноат, энергетика, кимё тармоғи ва қишлоқ хўжалиги каби устувор тармоқларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни кучайтиришга келишилганини муҳим, деб биламиз.

Ўзбекистон — Туркманистон чегараолди савдо зонаси ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Давлат раҳбарлари ушбу зонанинг қурилишини бошлаб бердилар.

Транспорт соҳаси — ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидан бири. Давлат раҳбарлари Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишларида, шу жумладан, Туркманбоши порти имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлакларини фаол ривожлантиришга аҳдлашиб олдилар.

Шу жиҳатдан айтганда, ташаббусларни биргаликда илгари суришда ўзаро кўмак ва яқин кооперация, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг икки томонлама ва минтақавий даражада амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган интилиши, шубҳасиз, Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Зеро, расмий ташриф якунлари бўйича Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида декларацияни имзолашди. Бу кўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини ривожлантиришга кучли туртки беради.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган шериклик муносабатлари бугунги кунда кўп асрлик муштарак меросга эга бўлган икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларнинг тараққий этиши ва ривожланишининг ёрқин мисолидир.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

1

Айни чоғда Ўзбекистон ва Туркманистон сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Эътиборлиси, бу ришталарни мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов таклифига биноан ушбу давлатга амалга оширган ташрифи мазкур йўналишдаги кўп қиррали ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.

Ташриф давомида ўтказилган учрашувда барча йўналишга эътибор қаратилиб, қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди ҳамда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Президентлар икки давлат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишда изчил кенгайиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, музокаралар давомида икки томонлама иқтисодий алоқалар, кейинги йилларда ўзаро савдо жадал суръатда ошиб бораётгани, Ўзбекистон — Туркманистон чегараолди савдо зонаси ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириб, ҳудудларда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётгани, саноат, энергетика, кимё тармоғи ва қишлоқ хўжалиги каби устувор тармоқларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни кучайтириш, Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишларида, жумладан, Туркманбоши порти имкониятидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлакларини фаол ривожлантириш каби яна бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи аввалгиларидан ўз кўлами, халқларимиз ижтимоий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги келишув ва ютуқларга бойлиги билан тубдан ажралиб турди.

Ана шундай залварли натижалардан бири — "Хоразм — Тошовуз" чегараолди савдо зонаси қурилиши борасидаги ишларга аҳамият қаратилгани бўлди. Чунки ушбу масканда савдо расталари, омборхоналар, контейнерлар учун майдончалар ва тадбиркорлар учун иш жойларидан иборат замонавий инфратузилма яратиш режа қилинган. Ушбу ҳудуд ўзаро савдонинг ошишига, бизнес алоқалар фаоллашишига хизмат қилади.

Умуман, ташриф давомида ҳар икки давлат ривожи учун ҳам манфаатли бўлган бир қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани мамлакатлар ўртасидаги ишончнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, Туркманистон билан шерикликни янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас устувор йўналишидир. Барча улуғвор ишлар, энг аввало, икки мамлакат халқларининг манфаатлари, фаровон турмушини таъминлаш учун амалга оширилмоқда.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

Давра суҳбати

# ОГОҲЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИГА ҚАРАМАСДАН ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДА НИКОҲЛАР ҚАЙД ЭТИЛГАН

*Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова ташаббуси билан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 243 ва Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги 9-умумтаълим мактабларида ўқувчи ўсмир қизлар ўртасида репродуктив саломатлик, қизлар гигиенаси ҳамда эрта турмуш ва қариндошлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибатлари муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди.*

Уларда оилада фарзанд тарбияси борасида ота-онанинг психологик-педагогик масъулиятини ошириш ҳамда умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит, тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Қайд этилганидек, доимий равишда йўлга қўйилган тиббий кўрикдан кўзланган асосий мақсад соғлом оилани шакллантириш, ирсий ёки туғма касалликларга чалинган фарзандлар туғилишининг олдини олиш, ёш йигит-қизларда яширин кечаётган касалликларни барвақт аниқлашдан иборатдир. Зеро, камқонлик, юрак-қон томир ва буйрак хасталикларини даволамаслик ногиронлиги бор фарзандлар туғилиши хавфини оширади.

Бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли огоҳлантириш ва тарғибот тадбирларига қарамасдан қариндошлар ўртасида никоҳ, шунингдек, қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатлари кузатилаётгани, бу салбий оқибатларга олиб келаётганлиги ҳам мазкур масалага янада жиддийроқ эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мулоқотлар давомида қариндошлар ўртасида турмуш қуриш ногиронлиги бор болаларнинг дунёга келишига сабаб бўлаётганлиги аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ФРАКЦИЯЛАРДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатлар юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.*

**ЎзЛиДеП фракцияси** йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида Ҳисоб палатасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳамда бюджет ташкилотларида мол-мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талонторож қилганлик учун баённомалар расмийлаштириш ҳуқуқини белгилаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан тафтиш, текшириш ва ўрганишларни амалга ошириш тартиби назарда тутилиб, уларнинг фарқли томонлари акс эттирилмоқда. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини айтиб, уни қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда, шунингдек, "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда обдан муҳокама қилиниб, депутатлар ўз таклиф ва эътирозларини ҳам билдиришди. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди.

**ЎзМТДП фракцияси** аъзолари "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, кўплаб қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунчалар берилган бўлса-да, давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари яратилмаган. Ҳатто ваколатли орган ҳам белгиланмаган.

Бу борадаги талабларни бузганлар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган, аммо жавобгарлик масалалари назарда тутилмаган. Бу эса давлат ташкилотларида коррупциянинг янада авж олишига, айрим раҳбарларнинг яқинлари манфаатларини кўзлаб, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўляпти.

Амалдаги қонунларимизда бундай ҳолатларга қарши аниқ механизм яратилмаган. Ҳатто статистика ҳам юритилмайди. Ушбу қонун лойиҳаси билан ваколатли органлар белгиланиб, унинг вазифалари, давлат хизматчиларининг бу борадаги мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар, чекловлар жорий қилинмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**"Адолат" СДП фракцияси** аъзолари таъкидлаганидек, "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Лойиҳада "давлат ташкилоти ходимлари" деганда, давлат ташкилотида бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат этувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тайёрловчи бошқарув ходимлари тушунилиши кўрсатиб ўтилмоқда. Шунингдек, давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар белгиланмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳаси ва бошқа масалалар бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси** фракцияси йиғилишида депутатлар "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига волонтёрлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Мазкур қонун лойиҳасида волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатларининг хусусиятини ҳамда қонунчилик техникасини ҳисобга олган ҳолда Ёшлар ишлари агентлигини махсус ваколатли орган сифатида белгилаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, давлат бошқаруви органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатларини белгиловчи ҳамда барча соҳада волонтёрликни қўллаб-қувватлашнинг ва унга кўмаклашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи янги модда киритиляпти.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси волонтёрлик фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, волонтёрлик соҳасини ривожлантириш борасида давлат бошқаруви органларининг ваколатларини тизимлаштиришни таъминлаши ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қамровини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда, уни янада такомиллаштириш мақсадида ўз таклиф ва тавсияларини берди ва лойиҳани маъқуллади.

Шундан сўнг фракция аъзолари "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқиб, ундаги айрим меъёрларни аниқлаштириш ва қатъийлаштириш бўйича таклифлар билдиришди. Баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари ҳам "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутиляпти.

Шунингдек, давлат ташкилоти ходими ёки унинг яқин қариндоши акциядори, муассиси (иштирокчиси), бошқарув органи аъзоси ҳисобланадиган юридик шахс ушбу ходимларга алоқадор шахс ҳисобланиши, давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлинмалари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг вазифалари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар, давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар ўз аксини топаётир. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, халқ вакиллари томонидан қонун лойиҳаси маъқулланди.

Халқ вакиллари томонидан "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишларда фракциялар кун тартибига киритилган ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Парламент дипломатияси

# ҲАР ТОМОНЛАМА САМАРАЛИ ВА КОНСТРУКТИВ МАЙДОН

*Шу йилнинг 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА)нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Шу муносабат билан мазкур орган қандай ташкилот эканлиги, унинг асосий функциялари ва ўтган давр мобайнида қандай ижобий натижаларга эришганлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.*

Парламентлараро Ассамблея миллий парламентлар томонидан тайинланадиган ёки сайланадиган аъзо давлатларнинг парламент делегацияларидан ташкил топган бўлиб, давлатлараро орган ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу Ассамблея аъзолари — Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон парламентлари ҳисобланади.

МДҲ ПА ишчи органи Парламентлараро Ассамблея Кенгаши ҳисобланади, у доимий асосда Ассамблеянинг ишини ташкил этади. Парламентлараро Ассамблея Кенгаши қоида тариқасида йилда икки марта йиғилади ва ялпи мажлисларни ўтказади.

Ялпи мажлисларда Парламент делегацияларидан ташқари МДҲнинг бошқа органлари, кузатувчилар ва халқаро ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда экспертлар иштирок этади.

МДҲ билан бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган Парламентлараро Ассамблея фаолиятининг илк кунлариданоқ янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда парламентларнинг ҳамкорлиги учун муҳим майдонга айланган. Мустақилликка эришган мамлакатлар ҳуқуқий тизимларни тубдан ислоҳ қилишлари лозим эди, шунинг учун Парламентлараро Ассамблея доирасида амалга оширилган биргаликдаги фаолият натижасида мазкур ислоҳотлар рўёбга чиқарилди. Натижада мамлакатларнинг миллий қонунчилигини МДҲ доирасида уйғунлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини яқинлаштириш ва қабул қилинаётган модель (намунавий) қонунлар ва тавсиялар асосида МДҲ доирасида ҳар томонлама интеграция учун шароитлар яратиш Парламентлараро Ассамблеянинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда.

Унинг бошқа муҳим йўналишлари сирасида МДҲ умумий иқтисодий маконининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, сайловлар ва референдумлар устидан кузатув ўтказиш, тинчликни сақлаш, халқаро ҳамкорлик, парламентаризм тарихини ўрганиш ва оммалаштириш каби фаолиятини кўрсатсак бўлади.

МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш мақсадида парламент делегациялари таркибидан 10 та доимий комиссия тузилган. Улар фаолиятининг асосий мақсади — модель қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинган ва тавсиявий характерга эга бўлган модель қонунлар МДҲга аъзо давлатлар парламентлари учун миллий қонунчиликни ривожлантириш ва яқинлаштириш учун қонун ижодкорлиги фаолиятида намуна сифатида тавсия этилади.

Ҳозирги кунда Парламентлараро Ассамблея 600 га яқин модель қонунларни ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни қабул қилган. Уларнинг айримлари халқаро шартномаларнинг асосини ташкил этади. Улар қаторига Терроризмга қарши кураш соҳасида МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик шартномаси, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги келишув, Наркотик моддалар, психотроп воситалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш соҳасида МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги келишув, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида лизинг фаолиятини кенгайтириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларни вужудга келтириш ҳақидаги келишув, Жиноий даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ҳақида МДҲга аъзо давлатлар шартномаси, Биргаликдаги миллий телетиббиёт тизимларини ташкил этиш ва келгусида уларни ривожлантириш ва фойдаланишда МДҲга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги келишувни киритиш мумкин.

МДҲга аъзо давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида Парламентлараро Ассамблеянинг ҳужжатларига эҳтиёж мавжудлигини модель қонунлардаги нормалар миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинаётганлиги ҳам тасдиқламоқда.

Юқорида қайд этилганидек, Парламентлараро Ассамблея фаолиятида умумий иқтисодий маконнинг ҳуқуқий асосларини — модель қонунчилигига кирувчи модель қонунлар, тавсиялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Парламентлараро Ассамблея иқтисодий соҳадаги модель қонун ижодкорлиги бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини, МДҲ умумий иқтисодий маконини шакллантиришга, жумладан, МДҲ ва Божхона иттифоқига аъзо мамлакатларда эркин савдо зонасини ҳуқуқий таъминлашга, фуқаролик ва иқтисодий айланмасини, бюджет ва фискал сиёсатининг муносабатларини ўзаро келишилган ҳолда тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Парламентлараро Ассамблея фаолиятида асосий устуворлик ҳисобланади. Мазкур соҳада Парламентлараро Ассамблея ижтимоий сиёсат ва инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги муаммоларни ечишда гуманитар ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ягона ёндашувларни ишлаб чиқмоқда.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ва Қизил Хоч ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятларининг халқаро федерацияси билан биргаликда халқаро гуманитар ҳуқуқни МДҲга аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация қилиш Парламентлараро Ассамблея фаолиятининг муҳим йўналишига айланди.

Бундан ташқари, Парламентлараро Ассамблея Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда аҳолини тиббий хизматлар билан бутунлай қамраб олишни рағбатлантиришга кўмаклашишга ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасида интеграция ҳамкорлигини ривожлантириш учун шароитларни яратишга, МДҲ доирасида жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш учун ўзаро келишилган қонунчилик базасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

> МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш мақсадида парламент делегациялари таркибидан 10 та доимий комиссия тузилган. Улар фаолиятининг асосий мақсади — модель қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинган ва тавсиявий характерга эга бўлган модель қонунлар МДҲга аъзо давлатлар парламентлари учун миллий қонунчиликни ривожлантириш ва яқинлаштириш учун қонун ижодкорлиги фаолиятида намуна сифатида тавсия этилади.

Парламентлараро Ассамблеянинг бугунги кун тартибида хавфсизликнинг янги хавф-хатарлари ва таҳдидлари алоҳида ўринни эгалламоқда. Мазкур масалада Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинаётган қарорлар дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаяпти.

МДҲга аъзо давлатларнинг келишилган қонунчилик ёндашувлари терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, трансчегаравий жиноятчилик, коррупцияга қарши биргаликдаги уринишларни янада кучайтириш учун шароитларни таъминлаётир. Мудофаа ва хавфсизлик, янги хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги модель қонунчиликнинг аксарият нормалари МДҲга аъзо давлатларнинг қонуншунослари томонидан миллий қонунларни тайёрлашда инобатга олинган. Парламентлараро Ассамблея томонидан чегаравий ва ахборот хавфсизлигини, одам савдоси ва ноқонуний миграцияни бартараф этишни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда.

МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси хавфсизликни мустаҳкамлаш ва хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларга қарши курашиш бўйича янги халқаро ҳамкорлик шаклларини фаол жорий қилмоқда. 2004 йилда МДҲ ПА Кенгаши ташаббуси билан Ҳамдўстлик мамлакатларининг терроризм, жиноятчилик ва наркобизнесга қарши курашиш соҳасида қонунчилигини уйғунлаштириш бўйича Ассамблея қошида Бирлаштирилган комиссия ташкил этилди. Мазкур комиссия МДҲ органлари, БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари ўртасида тизимли ва яқин тармоқлараро ҳамкорликнинг самарали шаклига айланди.

Сайловлар ва референдумлар устидан кузатув орқали амалга оширилаётган демократия ривожланиши ва сайлов ҳуқуқларига риоя қилиниши мониторинги Парламентлараро Ассамблеянинг алоҳида фаолият йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. МДҲга аъзо давлатлар парламент аъзолари халқаро кузатувчилар мақомида МДҲга аъзо ва бошқа давлатларда электорал жараёнлар устидан мониторингни амалга оширмоқда. Кузатувчилар ва экспертлар сайлов қонунчилигини таҳлил қилмоқда, электорат фаолияти соҳасида эришилган ютуқларни ва камчиликларни эътироф этмоқда.

Сайловлар устидан назорат фаолиятини Парламентлараро Ассамблеянинг Демократияни ривожлантириш, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя қилиш халқаро мониторинг институти мувофиқлаштирмоқда. Ҳозирги вақтда Парламентлараро Ассамблеянинг кузатувчилари МДҲга аъзо ва бошқа давлатларда 130 га яқин сайлов кампаниялари ва референдумлари устидан мониторинг ишларини олиб борган.

Сайловлар устидан ўтказилган кузатувлар тажрибаси Парламентлараро Ассамблея томонидан демократик сайловларнинг ягона мезонларини ўз ичига олган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонлари (стандартлари) ҳақидаги Конвенцияда ўз ифодасини топди.

Ассамблея томонидан олиб борилаётган илмий-вакиллик функцияси алоҳида эътиборга молик. ПАнинг 20 йиллик фаолияти давомида 362 та халқаро илмий-вакиллик тадбири ўтказилди, бунда 7 мингдан зиёд сиёсат ва жамоат арбоблари, етук олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

ПА халқаро гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида жиддий роль ўйнамоқда. Ассамблея маданият, машҳур тарихий воқеалар, масалан, Сомонийлар давлати ташкил топишининг 1100 йиллигига бағишланган бир қатор йирик гуманитар акцияларнинг ташаббускори ҳисобланади.

Парламентлараро Ассамблея фаолиятида халқаро ҳамкорлик катта ўрин эгаллайди. МДҲ ПА бир қатор етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ҳамда аксарият парламентлараро бирлашмалар — Парламентлараро кенгаш, Европа Иттифоқининг Парламент Ассамблеяси, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳақидаги келишувларни имзолаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон парламенти МДҲ ПА модель қонунчилигида фаол иштирок этмоқда. Парламент амалиётида илк бор "Органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги модель қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилган. Бу жараёнда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти илмий ходимлари ҳам фаол қатнашмоқда. Охирги икки йил мобайнида 100 дан ортиқ модель қонун лойиҳалари бўйича 300 дан ортиқ таклифлар киритилган, уларнинг аксарияти қонун лойиҳаларини маромига етказишда инобатга олинган. Масалан, "Сайловлар ва референдумлар устидан халқаро кузатув тўғрисида"ги, "Асаларичилик тўғрисида"ги, "Илмий ва илмий-техник экспертиза тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Давлат ва муниципал (коммунал) мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги модель қонун лойиҳаларига билдирилган таклифлар тўлалигича қабул қилинди.

Умуман олганда, Парламентлараро Ассамблея, айниқса, охирги йилларда ҳақиқатан ҳам, парламент дипломатияси, парламентлараро ҳамкорлик, шу жумладан, Ўзбекистон парламент аъзолари учун самарали ва конструктив майдон сифатида ўзини намоён этмоқда.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори.**

Сенатор ва ҳаёт

# ЖОЙЛАРДА ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, парламент юқори палатаси ўттиз учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказмоқда ҳамда тегишли қарорлар ижроси ва фуқаролардан тушган мурожаатларни ўрганмоқда.*

Хусусан, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуджон Парпиев Чортоқ туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида ўқувчи-ёшлар ва ўқитувчилар билан учрашди.

Сенатор юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хотин-қизларга яратилаётган шароитлар, гендер тенглик масалалари, ёшлар тарбияси, ёш оилаларни мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг ўрни ва таъсири тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди. Айни чоғда, ёшлар тарбиясидаги айрим камчиликлар ва оилавий ажримларнинг кўпаяётгани ва сабаблари, ижтимоий тармоқларда берилаётган видеолавҳалар юзасидан ҳам фикрлар билдирилди.

Хизмат сафари давомида сенатор Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" ёшлар кичик саноат зонасида ишга туширилган лойиҳалар билан танишди.

Мустақиллик байрами арафасида бу ерда 6 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти бошланган эди. Шу кунларда яна 40 та лойиҳани ишга тушириш чоралари кўрилмоқда. 10 гектарлик ҳудудда умумий ҳисобда 46 та лойиҳани амалга ошириш режа қилинган бўлиб, уларнинг барчаси ишга тушгач, 6,5 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи йиғилишида қатнашди.

Тадбирда аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини янада яхшилаш ҳамда туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил қилинди ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ўз навбатида, сенатор репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш долзарб вазифа эканлигига тўхталиб, соғлом аёл соғлом фарзандни дунёга келтириши ва шундан келиб чиқиб, юртимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида қайд этди.

* * *

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров ҳамда Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзоси Абдураим Эркаев Қашқадарё вилоятида ўрганишлар олиб борди.

Айни жараёнда Косон, Муборак, Касби, Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари ҳамда Шаҳрисабз шаҳар Кенгашлари депутатлари, котибият мудирлари, маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, хотин-қизлар фаоллари, халқ таълими ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Унда парламент юқори палатасининг ўттиз учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган 11 масала, жумладан, 6 та қонуннинг мазмун-моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти очиб берилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги "Стандартлаштириш тўғрисида"-ги, "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги, "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунларнинг аҳамияти батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, мулоқотда оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сабабини кенг ўрганиш ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги бўйича зарур тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси жамоаси Бошқарув раиси ўринбосари Шуҳрат Усмоновга турмуш ўртоғи

**Матлуба УСМОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ IT СОҲАСИ:

# ИМКОНИЯТ, УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСТИҚБОЛ




*Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш ҳолати ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ўртасидаги боғлиқлик илмий исботланган. Шу боис ҳар бир тармоқ тараққиётини янги босқичга олиб чиқаётган IT соҳасида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, рақамли иқтисодиёт изчил ривожланишининг биринчи ва энг муҳим омили, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яратишдир.*

*Ушбу соҳада, озми-кўпми, тажрибаси бор мутахассис сифатида айтадиган бўлсак, ҳар бир ўзгариш, чора-тадбирлар, қарорлар албатта керак ва уларни қўллаб-қувватлаш лозим. Айни чоғда бу фидойи устозлар ва дастурчилардан етук мутахассис кадрлар тайёрлашни тақозо этиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.*

**Таҳлил**

### Энг юқори талаб кузатилаётган касблар ва қобилиятлар

IT соҳаси ҳақида гап кетар экан, беихтиёр Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Юқори Чирчиқ туманидаги “Astrum” IT академиясига ташрифи чоғида айтган “Бутун Ўзбекистон ёшларининг IT соҳасидаги интилишларига катта туртки ва мотивация бериш учун келдим” деган сўзлари ёдга тушади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда дунёда IT хизматлари шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳонда бу соҳанинг ўсиш суръатлари йилига 10 фоизни ташкил этиб, жорий йилда 4,3 триллион долларга етади. “Биз ушбу бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш борасида катта ислоҳотларни бошладик. Соҳага сўнгги беш йилда 2 миллиард доллар, шундан 700 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирилди”, деди Президент.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда кўплаб IT-парклар фаолияти ташкил этилиб, солиқ имтиёзлари берилди. Буларнинг натижаси ўларок, бугунги кунда IT-паркларда 14 минг нафар ёш юқори даромадли иш жойлари билан таъминланди. Айни чоғда ўз-ўзини банд қилган IT мутахассислари сони йил бошидан буён 2,5 баробар ўсиб, 43 мингтага етгани эътиборга молик.

“IT касбларни эгаллаш ёшлар ўртасида трендга айланди”, деди давлат раҳбари. Чунки ушбу соҳада дунёда эришилаётган юксак натижалар, рақамли платформаларнинг тезкорлик билан ривожланиши, маълумотлар оқимининг ўсиши, катта ҳажмдаги маълумотларнинг ҳосил ҳамда янги касбларнинг пайдо бўлиши оқибатида ушбу соҳага бўлган талабнинг ошиши ҳам бежиз эмас. Зеро, бугунги кунда пайдо бўлган янги касбларнинг барчаси бевосита IT билан чамбарчас боғлиқ. Демак, ёшлар келажакда фақат бир йўналишни эмас, камида икки ёки уч йўналишда ўз билимларини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Шу ўринда келажак касбларига тўхталиб ўтсак. “Manpower Group” компанияси томонидан ўтказилган “Бандлик истиқболлари тадқиқоти” (The Employment Outlook Survey) бутун дунё бўйлаб 40 мингдан зиёд иш берувчилар ўртасида 2022 йилнинг учинчи чораги учун ишга ёллаш бўйича лойиҳаларни ўрганди. Компания ўзининг мазкур тадқиқоти натижаларига таяниб, ҳозирги кунда дунё миқёсида энг юқори талаб кузатилаётган касблар ва қобилиятлар, ишга ёллашда иш берувчилар дуч келаётган муаммолар ҳамда глобал бандлик истиқболлари билан боғлиқ бошқа маълумотларни тақдим этди.

Хусусан, компания томонидан тузилган энг кўп талаб қилинадиган касбларнинг “ТОП-5” талик рўйхатида IT ва Data (маълумотлар) соҳаси мутахассислари етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда савдо ва маркетинг, операциялар ва логистика, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳамда мижозлар билан ишлаш ва фронт-офис бўйича мутахассислар санаб ўтилган.

Яққол кўриниб турганидек, мазкур йўналишларнинг барчаси IT соҳаси билан бевосита боғлиқ.

### Катта даромад олиш учун олий маълумот талаб этилмайди

Кўпчиликнинг эътиборини тортаётган жиҳатлардан бири яқин келажакда юқори даромад олиш учун олий маълумот талаб этилмаслигидир. Ушбу жараённи “Apple”, “Google”, “MicroSoft” компаниялари аллақачон бошлаб юборишган. Улар учун олий маълумотли диплом эмас, ходимнинг берилган топшириқни аъло даражада ва ўз вақтида уддалаши муҳим. Олий маълумотли эканлиги тўғрисидаги дипломсиз ҳам уларга юқори даромад топиш имконияти тақдим қилинган. Бунинг учун эса, албатта, IT соҳаси ҳамда инглиз тилини пухта эгаллаш талаб этилади.

“Business Insider” нашри таҳлилларига кўра, АҚШда энг юқори ҳақ тўланадиган ва кўп бўш иш ўрни яратилиши кўзда тутилган касб эгаларига талаб кун сайин ортиб бораётир ва келгуси ўн йилликда мазкур тенденция сақланиб қолиши кутилмоқда. Келтирилишича, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар ҳамда дастурий таъминот сифат кафолати бўйича таҳлилчилар ва синовдан ўтказувчилар йиллик маоши 120 минг 730 АҚШ доллари, умумий ва операцион менежерлар — 97 минг 970, компьютер ва ахборот тизимлари менежерлари — 159 минг, ахборот хавфсизлиги бўйича таҳлилчилар — 102 минг 600, компьютер тизимлари бўйича таҳлилчилар — 99 минг 270, компьютер технологиялари билан боғлиқ бошқа касблар (хусусан, веб-администраторлар, блокчейн муҳандислари ва бошқалар) 95 минг 240 АҚШ долларини ташкил этади.



### Ёшларимиз, АКТ мутахассислари учун чинакам рағбат

Юқоридаги таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, Президентимиз “Astrum” IT академиясига ташрифи чоғида мазкур соҳага эътиборни кучайтириб, ёшларимизга озгина шароит яратиб берилса, бу соҳани Ўзбекистонда янада юқори поғоналарга олиб чиқиш мумкинлигига ишонч билдирди. Ва умуман, мулоқот ўтказиш учун бежиз “Astrum” академияси танланмади, албатта. Чунки бугунги кунда “Astrum” академиясида юзлаб ёшлар энг замонавий дастурлаш кўникмаларини эгаллаётгани, айниқса, ўқиш давомидаёқ даромад топаётгани айни ҳақиқат.

Мулоқот чоғида давлат раҳбари томонидан бошқа ҳудудларда ҳам бундай IT академиялар ташкил қилиш истагида бўлганларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, барча масаласи ҳал қилиб берилиши қатъий таъкидлангани эътиборга моликдир. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожланиши бевосита IT билан боғлиқлигини бутун дунёда эришилаётган мазкур йўналишдаги ютуқлардан ҳам кўришимиз мумкин. IT технологияларини қўллаш орқали ҳар бир соҳа тезкорлик билан ривожланса, мамлакат ҳам шунчалик тез тараққий этади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Astrum” IT академиясида муҳокама қилинган масалалар — бугунимиз, келажагимиз, айниқса, ёшларимизга муносиб иш ўринлари яратиш учун ўта муҳим замин бўлди.

Учрашув чоғида давлатимиз раҳбари мактаб ва лицейлар, коллеж ва техникумлар ҳамда олийгоҳлар раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни ҳар бир ўқувчи ва талаба ўқиш давомида IT билимлар ҳамда чет тилларини эгаллаб чиқишларига масъул бўлишга чақирди.

### IT соҳасидаги гигант компаниялар. Уларнинг топ менежерлари кимлар?

Шу ўринда “Astrum” IT академиясида бўлиб ўтган учрашувда айтилган масалаларнинг айнан биттасига, яъни IT йўналишидаги ўқув ташкилотларига IT мутахассисларига мўлжалланган инглиз тилини ўқитишга рухсат бериш таклифи қўллаб-қувватланганига тўхталмоқчимиз. Хўш, нима мақсадда инглиз тилига алоҳида урғу бериляпти?

Бунинг сабаби оддий, IT соҳасидаги барча гигант компаниялар АҚШга тегишли. Буларга мисол тариқасида “Apple”, “Google”, “MicroSoft” компанияларини келтириш мумкин.

Қолаверса, бу компанияларда кимлар, қайси миллат вакиллари ишлаяпти, бош менежерлари кимлар, деб ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ҳа, тўғри кўп бош раҳбарлар — ҳиндлар. Ишонч ҳосил қилиш учун IT соҳасидаги кўп триллион долларлик компанияларнинг бош маъмурлари рўйхатига эътибор беринг: Сундар Пичаи — “Alphabet” (“Google”) компаниясида, Шантану Нарайен — “Adobe”да, Санджай Мехротра —“Micron”да, Сатья Наделла — “Microsoft”да, Арвинд Кришна — “IBM”да, Никеш Арора — “Palo Alto Networks”да, Параг Агравал — “Twitter”да ва ниҳоят, Рангараян Рагхурам — “VMWare”да.

Шу ўринда, нега айнан улар, бошқа миллат вакиллари эмас, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, чунки уларда инглиз тили мактабдан бошлаб чуқурлаштирилган тарзда ўқитилишидир.

Мисол учун Сундар Пичаи ўн икки ёшга киргунча, оиласида оддий телевизор бўлмаса-да, инглиз тили ва математикани шунчалик яхши билганидан АҚШга йўл олган, ҳозир эса у 1,5 миллиард долларлик ўз капиталига эга.

Демак, IT соҳасида устунликка эришишнинг энг мақбул йўлларидан бири — бу инглиз тили орқали мамлакатимиз ёшларининг мазкур соҳадаги саводини ошириш ва Гарвард, Оксфорд ҳамда MIT каби университетларда таҳсил олишлари учун шароит яратиб бериш. Шундагина IT мутахассисларимиз, дунё миқёсидаги компанияларда бемалол фаолият юритишади. Натижада, қарабсизки, худди ҳиндлар ташкил қилган занжирли реакция каби (хитойликлар ҳам худди шу йўлдан боришяпти) ёшларимизнинг катта армияси жаҳон IT бозорини эгаллаши, шубҳасиз.

**Мунис АБДУЛЛАЕВ,**
**ТДИУ Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси мудири, PhD, доцент.**

# «4+2»: НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

*Мамлакатимизда ўқитувчи-педагоглар қадри ва қаддини тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар силсиласида уларнинг касбга бўлган меҳрини тоблаш, билим ва салоҳиятини юксалтириш, айниқса, соҳага кириб келаётган ёшларни замон андозаларига мос мутахассислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*



**Таълим**

Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2 — 4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибида амалга оширилмоқда.

Хўш, “4+2” нимани англатади ва қандай аҳамиятга эга?

Ушбу тартиб талабаларнинг ҳафтада тўрт кун университетда назарий билимлар олиши ва икки кун мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташларини англатади.

Бугунги кунда университетимизда ушбу тартиб асосида талабалар катта ҳаётга тайёрланмоқда. Яъни ёшларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга эришилмоқда. Бу уларнинг ўз касбининг билимдони, етук мутахассис бўлиб камолга етишига замин яратаётир.

Университетимизда педагог кадрлар тайёрловчи олийгоҳлар талабалари учун “4+2” шаклида амалиёт ўташ тартиби тўғрисидаги Низом ва “Амалиётни ташкил этиш схемаси” ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликларининг қўшма қарорлари лойиҳаси тайёрланиб, тасдиққа киритилди.

Ушбу тартибда ўқув жараёнини ташкил этиш юзасидан 2022/2023 ўқув йилида қабул қилинган талабалар учун малака талаби ва ўқув режалар тайёрланди ҳамда мамлакатимиздаги барча педагогика олий таълим муассасаларига етказилди.

Талабаларимиз малакавий амалиётни ўташи учун Тошкент шаҳридаги Президент, ихтисослаштирилган ҳамда умумтаълим мактаблари, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, академик лицей ва профессионал таълим даргоҳлари билан шартномалар тузилди. Асосийси, бўлажак мутахассисларнинг қайси даргоҳда амалий кўникмаларини бойитиши уларнинг қизиқиши ва истакларидан келиб чиқиб танланмоқда. Хусусан, жорий ўқув йилида 2 — 4-босқич талабаларининг 8,5 мингдан зиёдроғи умумтаълим мактабларида, 885 нафари мактабгача таълим муассасаларида, 43 нафари академик лицейларда, 74 нафари профессионал таълим муассасаларида амалиёт ўтамоқда.

Амалиётчиларга ҳар бир курсда алоҳида-алоҳида вазифалар юкланади. Жумладан, улар 2-курсда ўқув-танишув амалиётини, 3-курсда малакавий ўқув амалиётини ва 4-курсда малакавий педагогик амалиётни ўтайди. Яъни 2-курслар ўқув йили давомида умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнини кузатиш ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш билан шуғулланади. 3-курслар амалиёт жараёнида умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнини кузатиш билан бирга дарсни таҳлил қилиши, синов дарслари ўтиши ва меъёрий ҳужжатларни баҳолаш кўникмасига эга бўлиши керак. 4-курслар учун эса амалиёт жарёни чинакам касбий фаолиятни ўзлаштириш билан кечади. Улар умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнини кузатади, дарсни таҳлил қилади, синов ва очиқ дарслар ўтади. Меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, уларни тарғиб қилиш салоҳиятига эга бўлади. Шу орқали талабалар эгаллаган назарий билимларини ўз вақтида амалиёт билан уйғунлаштириб боради. Қолаверса, уларнинг амалиёт даврида мутахассислиги бўйича ишлашига қулай шароит яратилди.

Амалиёт ўташнинг янги тартиби таълим самарадорлигини янада оширади. Талабалар ҳар ҳафта ўзлаштирган билимини бир вақтнинг ўзида амалиётда қўллаш орқали фанларни тўлиқ ўзлаштиришга эришади.

“4+2” тартибида амалиётни ташкил этиш педагогик таълимнинг жозибадорлигини кучайтиради. Иш берувчилар мазкур жараёнда битирувчиларнинг таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиб бориши, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиши, ёшларнинг билим ва салоҳиятини аниқ баҳолаши ҳамда битирганидан кейин ўз жамоасида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга таклиф қилиши мумкин бўлади. Бу билан умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш сифатини ошириш орқали жамиятда инсон капиталини ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун пойдевор яратилади. Ана шундай пойдеворни барпо этиш учун бўлғуси ўқитувчилар ўз фанини мукаммал билиши, юксак педагогик маҳоратга, янги методикаларни ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлишлари зарур ҳисобланади. Бундай улкан вазифани бажариш, ўз навбатида, олий педагогик таълим мазмуни ва инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади.

**Ғафур АБДИЛАКИМОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бошқарма бошлиғи.**

Танлов

# «ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ФАОЛИ» МИЛЛИЙ ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧЛАРИ БЎЛИБ ЎТЯПТИ

*Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 27 апрелдаги қарорига биноан юртимиз бўйлаб хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик, тадбиркорлик ва ихтирочилик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови ўтказиб келинмоқда.*

Айни пайтда танловнинг туман босқичлари юқори савияда ўтказилаётир.

Хусусан, кўрикнинг Пискент тумани босқичида йилнинг “Энг яхши маънавият ва маърифат тарғиботчиси” номинациясида “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинидан Ҳафиза Ҳакимова, “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли” номинациясида Навоий номидаги маҳалладан Насиба Иномова, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли” номинацияси бўйича “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидан Зиёда Бўронова ва “Йилнинг энг яхши уй бекаси” номинациясида “Файзобод” маҳалла фуқаролар йиғинидан Феруза Андақулова ғолибликни қўлга киритди.

Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш ва жамоатчиликка етказиш мақсадларини ўзида мужассам этган танловнинг Пешку тумани босқичи ҳам юқори савияда уюштирилди.

Пировардида 11 номинация бўйича ғолиб бўлган иштирокчилар кейинги босқичга йўлланма олди.

Якунда ғолиблар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**


# ОАВ ВАКИЛЛАРИ ЭНГ ЙИРИК ЭКСПОРТЁР КОРХОНА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

*Президентимизнинг 2021 йилнинг 7 сентябридаги “Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида тадбиркорларнинг шу соҳадаги муаммо ва таклифлари инобатга олиниб, уларга қатор имтиёзлар берилди. Ушбу ҳужжатга асосан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБдан кредит олиб, ўз молиявий салоҳиятини оширган ва экспорт борасида юқори натижаларга эришаётган корхоналар ҳар бир ҳудудда мавжуд.*

SANOAT QURILISH BANK

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан журналистлар учун ташкил этилган пресс-турда ОАВ вакиллари Наманган вилоятидаги энг йирик экспортчи корхона фаолияти ҳамда банкнинг Наманган минтақавий тармоғида амалга оширилган трансформация натижаси билан танишди.

Наманган шаҳридаги енгил турдаги автомобиллар учун ёритиш чироқлари ишлаб чиқарувчи “UzChasys” Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири.

— Корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида технологик жиҳозлаш ишларига 30 миллион долларга яқин маблағ сарфланди, — дейди қўшма корхона бош директорининг биринчи ўринбосари Аҳрорбек Қаҳҳоров. — Шу кунга қадар “UzAuto Motors” автомобиллари қаторида Бразилия, Украина ва Қозоғистон учун ёритиш чироқлари етказиб берган бўлсак, янги линия ишга туширилиши билан экспорт географиямиз Франциянинг етакчи автомобилсозлик компанияларидан бири — “Peugeot” ҳисобига кенгайди.

Таъкидланишича, “UzChasys”нинг экспорт салоҳияти жорий йилнинг биринчи ярмида 4 миллион долларга етган.

Банк “UzChasys”нинг доимий ҳамкорига айланган. Хусусан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида корхонага 6 маротаба жами 6 миллион 550 минг евродан зиёд корхона айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар ажратилди.





Пресс-тур давомида журналистлар “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ҳудудий тармоқларидаги трансформация натижалари билан Наманган минтақавий банк хизматлари офиси (БХО) мисолида танишишди.

Шунингдек, бу ерда матбуот анжумани ташкил этилиб, тармоқнинг ўтган 9 ойлик фаолияти сарҳисоб қилинди. Банк маҳсулотлари сотуви, мижозлар ва уларнинг онлайн хизматлардан фойдаланиш кўлами, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида эришилган натижалар ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилишича, банкнинг мазкур вилоятдаги инфратузилмаси таркибида “Лойиҳалар фабрикаси” алоҳида ўрин тутади.

— Биз ўз бизнесини бошлаётган ҳамда фаолиятини кенгайтириш мақсадида бўлган тадбиркорлик субъектларига бизнес-режа тузишдан бошлаб, унинг техник асосларини ишлаб чиқиш ва ишга туширишгача бўлган барча жараёнда ёрдам кўрсатяпмиз, — дейди БХО бошқарувчиси Мирзаолим Ғайбуллаев. — Шунингдек, туманларда бизнес юритиш имкониятларини ўрганиб, уларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиб боряпмиз. Ҳозирги кунда молиялаштираётган лойиҳаларимизнинг аксарияти мазкур тартибдаги ўрганишлар натижасида шакллантирилган.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Поп туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик саноат зонасини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғида туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти намойиш этилди.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6